

XX АСР МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ХАРАКАТИ УЙҒОНИШИДА ЖАДИДЧИЛИК ХАРАКАТИНИНГ РОЛИ.

ALFRAGANUS University
“Ижтимоий фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси фалсафа
фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD). **А.Н. Мамиров**

Аннотация. Маълумки ҳозирда Ўзбекистонда фан-маърифат жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Бу ривожланишлар негизида жади́д боболаримизнинг илм фанга ривожини учун кўрсатган қахрамонлиги ётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мақолада жади́дчилик ҳаракатининг ҳозирги фан ва маданият ривожига қўшган тамал тоши бўлиб хизмат қилган хиссаси ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Жади́дчилик, иқтисодий, ижтимоий, маданий, мактаб, муслмон, университет, дорулфунун, Миллий уйғониш

Маълумки, жади́дчилик ҳаракати нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун муслмон олами ва туркий дунё тарихида чуқур из қолдирган. Жади́длар деганда кўз олдимизга маърифатпарвар, зиёли, диний ва дунёвий билимларни эгаллаган замонасининг илғор намояндалари келади. Улар шарқ ва ғарб мамлакатларидаги зиёлилар билан доимий мулоқотда бўлган.

Жади́длар XIX аср охири – XX аср бошида Россия империясида муслмон модернист ислохотчилари бўлган. Улар ўзини “тараққийпарвар”, “зиёли” ёки фақат “Ёшлар” деб атаган кишилар эди. Гарчи ҳаракат ичида жиддий мафкуравий келишмовчиликлар бўлган бўлса-да, жади́длар аксил-клерикал ҳаракат бўлган, таълим соҳасини ислох қилиш ҳамда мактабларда “усул ул-жади́д” ёки “янги усул”ни татбиқ қилиш ва ривожлантиришга интиланган. Умуман олганда, уламо ва ислом руҳонийларига қарши муваффақиятли кураша олган

бўлса-да, улар ҳам совет давлатининг қурбони бўлди. Жаидлар маҳаллий буржуазия ва аксил-инқилобий гумашталар сифатида қораланди ва кўпчилиги отиб ташланди.

Бизга маълумки Ўзбекистоннинг Россия томонидан босиб олинганлиги ҳалқимиз бошига мисли кўрилмаган кулфатларни келтирди. Маънавий қолоқлик кучайди, саводсизлик авж олди. Ҳалқни бу ботқоқдан чиқариш учун эса жаидлар жуда катта жонбозлик кўрсатди. Ўз жонларини хавфга қўйиб бўлса ҳам ҳалқни бу қолоқликдан қутқаришга ҳаракат қилиб, маълум бир ютуқларга ҳам эришилди. Ҳалқни, айниқса ёшларни саводини чиқарилмийиб, уларни ҳар томонлама етук, билимли ва саводли қилиш орқали истиқлолга эришиш мумкинлигини жуда яхши англаган ҳолда ҳаракат қилганлар.

Жаидчилик рус мустамлакачилигига қарши миллий демократик ҳаракат бўлиб, у ўша давр Туркистондаги оғир иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислоҳотлар ўтказиш, пировардида миллий мустақиллик ғояларини

Жаидчилик ҳаракати, шу вақтгача ислом дунёсида сира ҳам кўринмаган илғор ва тезкор ўқитиш “Савтия” (товуш) усулига асосланган жаид мактаблари ташкил топишидан бошланди. Бу мактабларда болалар бир йилда савод чиқариб, мукамал ўқиш ва ёзишни ўзлаштиради. Бунинг учун эса қадим анъанавий мусулмон мактабларида 5-6 йил ўқиш керак бўлар эди. Айтиш мумкинки, “Савтия” усулидаги жаид мактаби Ватанимиз тарихидаги буюк кашфиётлар силсиласини бойитди.

Жаид мактабида диний ва дунёвий таълим-тарбия ҳамда илм ўзаро ўйғунлаштирилди. Болалар қулай парталарда ўтириб, харита ва расмлар ёрдамида тез савод чиқарди ва диний – дунёвий илмиларни ўрганди. Жаид

Жаидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тўплам. Тошкент. «Университет»,

мактабларида Қуръони-карим, математика, география, она тили, рус, араб тиллари, ашула ва ҳатто жисмоний тарбия ўқитила бошланди.

Жадид мактаблари тўрт (бошланғич) ва етти йиллик эди. Масалан, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг етти йиллик мактабини битирган ёшлар дунёвий илмларни, рус тилини яхши ўзлаштирган ҳолда жадид мактабида ўқитувчи, масчитларда имом бўлиш, мадраса ва ҳатто, хориждаги дунёвий олий ўқув юртларида ўқиш, савдо ва бошқа корхоналарда котиб бўлиб ишлаш малакасига эга бўлганлар. Бундай етти йиллик мактаблар Тошкентдан ташқари, Қўқон, Самарқанд каби йирик шаҳарларда ҳам очилади.

Жадид мактаблари пуллик эди. Ҳар ойига ота-оналар баҳоли қудрат, эллик тийиндан бир ярим сўмгача пул тўлади. Бу ўринда ҳар ота-она ўзларининг бойлик ва камбағаллик даражаларини шариат асосида белгилаб пул берадилар. 35 фоизгача камбағал ва ночорларнинг болалари текин ўқитилди. Ўзига тўқ оилалар эса ўз хоҳиши билан уч сўмдан ва ундан ҳам кўп пул берган. Булардан ташқари жадидларнинг ўзлари ташкил этган хайрия жамиятлари ҳам жадид мактабларини маблағ билан таъминлаб турган.

Шунинг учун жадидлар – ёшлар, бу эса ёшлар ҳаракати эди. Мен жадидларнинг ёш таркибини ўргандим. Маълум бўлишича, машҳур жадид ва ёшларнинг севимли ёзувчиси Чўлпон 1910 йилда 13 ёшда, Бехбудийнинг ёши эса 30 ошиқроқ бўлган экан. Ўша ҳаракат иштирокчилари фақат ёшлардан иборат экани маълум бўляпти. Айти масалага ёнгдашилганда, шундан келиб чиқиш керак бўлади. Бу ёшлар интеллектуал жиҳатдан ривожланган ва Туркистоннинг жаҳон тараққиётидан орқада қолаётгани сабабларини тушунар эди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, маърифатпарварликнинг чуқур илдизлари бўлиб, фақат жадидчилик кўринишида зухур бўлгани йўқ. Унинг маърифатпарварлик илдизлари ҳам бор эди ва жадидчилик ушбу ҳаракатнинг аккумулятори – қувват йиғувчиси бўлди. Албатта, у олдинги адабиёт, олдинги фалсафа ютуқларига асосланган. Жадидлар ўзини ушбу фалсафанинг таҳлилчилари сифатида ҳам

намоён қилди. Биламизки, машҳур маърифатпарвар Аҳмад Дониш, шоирлар Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Убайдулла Завқий, Муҳаммад Баёний, Абай Қўнонбоев ва олим Чўқон Валихонов ислоҳотнинг ҳассос тарафдорлари бўлган, улар боши берк кўчадан чиқишни нафақат маърифатда, қолаверса, туркий халқлар бирлигида кўрган. Ўтмишдошларидан анча олдинлаб кетган ва маърифатпарварликдан сиёсатга ўтган жадидлар шу заминда униб чиққан.

Жадид мактабларининг очилишига рус амалдорлари, мусулмон мутаассиблари қаршилик қиладилар. Жадидлар катта матонат ва фидойилик билан эски мактабларга тегмай намуна сифатида жадид мактабларини ташкил этиб, омма орасида катта обрў қозондилар. Жадид мактаблари қатъий низом ва дастур ва дарсликларга асосланди. Тарихда биринчи бўлиб, жадидлар ўқувчиларга кундалик, чорак ва йиллик баҳолар қўйишни жорий этдилар. Ўқувчилар синфдан-синфга ўтиш ва битириш учун жамоатчилик олдида очиқ чорак, йиллик ва битирув имтиҳонларини топширганлар.

“Тарбияни туғилган кундан бошламоқ, вужудимизни қувватлантирмоқ, фикрларимизни нурлантирмоқ, ахлоқимизни гўзаллантирмоқ, зехнимизни равшанлантирмоқ лозим экан. Тарбияни ким қилади? Қаерда қилади? деган савол келади. Бу саволга: Биринчи уй тарбияси, бу она вазифасидир. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси, бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир... Хулоса шуки, тарбия биз учун ё хаёт, ё мамот, ё нажот, ё халокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир”, деган сўзлари бугунги глобаллашу жараёнида нақадар ахамиятлидир².

Мактаб очган жадидлар дастур, қўлланма ва дарсликларни ҳам ўзлари яратдилар. Сайидрасул Сайидазизовнинг “Устоди аввал”, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, “Тажвид” (Қуръонни қироат билан ўқиш усулига оид қўлланма), “Ҳавойижи диния” (Шариат

² Абдулла Авлоний. Жадидлар тўплами китоби “Ёшлар нашриёти уйи, 2022 84-85-бетлар.

қонунлари тўплами), “Ёр юзи”, “Усули ҳисоб”, “Тарихи анбиё”, “Тарихи ислом”, Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим” ва “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Қисқача умумий география”, “Болалар мактуби”, “Исломнинг қисқача тарихи”, “Амалиёти ислом”, “Аҳоли географиясига кириш”, “Россиянинг қисқача географияси” ва бошқалар шулар жумласидандир³.

Жадид мактаблари очилиши билан баъзи жойларда қадим мактаблари бўшаб қолдилар. Натижада эски ва жадид мактабдорлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар пайдо бўлди. Бунга мутаассиб қози, мулла ва уламолар ҳам қўшилдилар.

Жадид мактабларининг жами сони ва улар қаерларда очилиб фаолият юритганлиги ҳақида ҳозирча тўла маълумот йўқ. Лекин 1903 йилда биргина Тошкентда 20 та (шундан 2 таси ўрта), жадид мактаблари бўлган. маълумки, 1909 йилдан кейин жадид мактаблари қаттиқ назорат остига олинади, арзимас баҳоналар билан ёпилади. Уларда ўқитиладиган адабиёт ва дарсликлар “охранка”нинг диққат марказида бўлади. Жадид мактаблари Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Хива, Тўқмоқ, Янги Марғилон, Эски Марғилон, Каттақўрғон, Қизил Ўрда, Туркистон, Чуст, Чоржўй, Термиз, Марв шаҳарларида очилади. Шунингдек, Жума (Самарқанд вилояти), Қовунчи (Тошкент вилояти), Тўрақўрғон (Наманган вилояти), Пўстиндўз (Бухоро вилояти) каби катта қишлоқларда ҳам жадид мактаблари очилган. Жадид мактаблари М.Бехбудийнинг ёзишича, 15-20 йил ичида жами Кавказ мамлакатлари, Эрон, Ҳинд, Миср, Ҳижоз ва бошқа жойларида ҳам жорий бўлдилар.

Жадидчиликнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатда замонавий (Европача) олий таълимни йўлга қўйиш бўлди. Университет ташкил етиш ғояси Туркистонда илк бор 1892 йилда Исмоилбек Гаспирали томонидан олға сурилди.

³ Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Тошкент. «Эльдинур», 1998й. 36 бет.

И. Гаспирали 1906-йилда, яна “Таржимон” газетасида тўғридан тўғри Бухоро амири ва Хива хонига мурожаат қилиб шундай дейди:

“Фуқоройи ислом сизлардан мол истамас, ош истамас. Дин-”Куръон”дан, жон-Худодан. Сиз давлатлик хонлардан аҳолига эҳсон этиладиган нарса-нашри маорифга, тараққиёт ва камолатга омил бўлувчи олий даражалик маориф мактабларидир. Кўхна мадрасалари кўп Бухорои шарифда ва Хивада энди бирор дорилфунуни исломия таъсис етмоқ лозим. Бу дорилфунунларга бир даража илм олган талаба қабул қилиниб, тарих, жўғрофия, кимё, ҳандаса, илми ҳуқуқ, усули идорайи давлат, илми иқтисод ва бошқа лозим фанлар, туркий, форсий, русий ва франсавий тиллар ўргатилса... Ушбу дорилфунунларда муаллим ва мударрислик қила оладиган аҳли камол бор”

Жадидлар олий таълимнинг асоси-университет ташкил этиш учун Тошкент шаҳар Думасидан ҳам фойдаландилар. Мунавварқори, Фитрат, М. Беҳбудий, У. Асадуллахўжаев ва бошқа жадидлар миллий дунёвий олий таълим ғоясини ўз асар ва мақолаларида кенг тарғибот-ташвиқот қиладилар. Олий таълимга замин яратиш учун, жадид мактабларида дунёвий илмлар ўқитилди, хорижга ёшлар ўқишга юборилди.

Дунёвий ҳозирги замон олий ўқув юрти – университетга асос солишга жадидлар фақат 1918-йилда Мусулмон халқ дорулфунунини ташкил этиш билан муваффақ бўлдилар.

Умуман, жадидлар жуда қисқа вақт ичида бутунлай янги яъни жадид халқ маорифи тизими яъни, ҳозирги замон халқ маорифи тизимига асос солдилар.

Жадид адабиётида драматургия яъни жадид драмаси энг сэрмахсул ва оммабоп жанр сифатида алоҳида кўзга ташланади. Жадид ғояларининг халққа ёйилиши, сингиши ва амалий натижалар беришида драматургия ва театр санъатининг таъсир кўрсатиши кучли бўлди. Шунинг учун ҳам жадид

адибларининг аксарият йирик номаёндалари ўз ижодий-амалий фаолиятини драма ёзиш ва театр билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар.

Мутахассисларнинг аниқлашича, 1917-йил октабр тўнтарилишигача драматургия соҳасида ўттиздан ортиқ драма, трагедия, комедия асарлари ёзилган ва уларнинг кўпчилиги театрларда сахналаштирилган. Ўзбек жаҳид драматургияси ва театрига илк бор асос солган Маҳмудхўжа Бехбудий бўлди. Унинг “Падаркуш” драмаси биринчи бор 1914-йил 27-февралда Тошкентдаги “Колизей” театрида қўйилиши жуда катта маданий-маърифий воқеа бўлди. Бу кун ўзбек театрига асос солинган сана сифатида тарихга кирди. Шундай қилиб, миллий жаҳид адабиёти драматургияси ва театри пайдо бўлди. Адабий танқидчилик ва бадиий таржимончилик ҳам шаклланди.

Хулоса шуки, жаҳидларнинг жасоратли ва заҳматли, бунёдкорлик ва ислохотчилик буюк ижодий –маърифий меҳнатлари самараси ўлароқ, XX аср бошларига келиб, Туркистонда тарихан ҳақиқий Миллий уйғониш (Ренессанс) ҳодисаси (даври) пайдо бўлди. Бу даврни иккинчи бир маънода жаҳидлар Ренессанси (уйғониши) деб айтиш ҳам ҳақиқатга тўғри келади.

Миллий уйғониш ёки жаҳидлар Ренессанси ҳодисаси тарихий тараққиётнинг сўнгги босқичидаги учинчи уйғониши бўлди. У олдинги IX-XII ва XIV-XV асрлардаги икки буюк уйғонишларнинг тарихан қонуний давоми сифатида юз берди. Лекин улардан фарқли равишда аниқ миллийлик хусусияти ва диний-дунёвийлик мазмун ҳамда моҳиятга эга бўлди.

Шунингдек, юқоридаги мана шу ўзларига хос ва мослик билан бирга, бу уч Уйғонишда ўзаро умумийлик яъни тарихий бағрикенглик ҳам мавжуддир. Аввало, Миллий Уйғониш билан олдингиларнинг орасида биринчисидан 12-9, иккинчисидан 7-6 асрлар фарқ бўлса-да, улардаги умумийлик дин билан дунёвийлик ўртасида ўзаро мўтадил уйғунлик муносабати ҳукмрон бўлди. Иккинчидан, биринчи Уйғониш қадим антик дунё маданиятини «уйғотиб,

тирилтирилган» бўлса, иккинчи Уйғониш шу биринчи уйғонишни қайта уйғотди. Жадидлар эса бу тарихий анъанани давом еттирди. Олдинги икки Исломий уйғонишларни «тирилтириб», «қайта уйғотиб», уларни XX аср дунё тамаддуни (цивилизацияси)га мослаб янада такомил топтирди.

Адабиётлар рўйхати.

1. Жадидчилик: ислохот, янгилаиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тўплам. Тошкент. «Университет», 1999. 5-6 бетлар
2. Абдулла Авлоний. Жадидлар тўплами китоби “Ёшлар нашриёти уйи, 2022 84-85-бетлар
3. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Тошкент. «Эльдинур», 1998й. 36 бет.